

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВ БОТИРЖОН МАЪРУФЖОН ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА СУД
ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ:
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Қосимов Ботиржон Маъруфжон ўғли

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти

мустақиллигини таъминлаш масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил.....3

Kosimov Botirjon

Issues of ensuring judicial independence in Uzbekistan and the United States

of America: a comparative legal analysis.....23

Қосимов Ботиржон Маъруфжон угли

Вопросы обеспечения независимости судебной власти в Узбекистане

и Соединённых Штатах Америки: сравнительно-правовой анализ.....40

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....44

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОСИМОВ БОТИРЖОН МАЪРУФЖОН ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН ВА АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДА СУД
ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ:
ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ**

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Yu417 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мусаев Бекзод Турсунбоевич,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Нематов Жўрабек Нематиллоевич,
юридик фанлар доктори (DS), доцент

Умиров Фитрат Фахриддинович,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Осака (Япония) университети профессори ёрдамчиси

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 25 сентябрь куни соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (998) 71-233-66-36; факс: (998) 71-233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (979-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 13-уй. Тел.: (998) 71-233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил «11» сентябрда тарқатилди.

(2021 йил «11» сентябрдаги 9-рақамли реестр баённомаси).

Р.Р.Хакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И.Р.Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор в.б.

М.А.Ахмедшаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳуқуқий кадрият ҳисобланмиш суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш ва кучайтиришга қаратилган турли замонавий тенденцияларни кузатиш мумкин. Бунинг асоси, энг аввало, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида мужассам бўлиб, унга кўра ҳар бир инсон тўлиқ тенглик асосида ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва жинсий айблов билан боғлиқ бўлган ишининг мустақил суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгадир¹. Бу ҳар бир давлат учун суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш мажбуриятини юзага келтиради. Бутунжаҳон одил судлов дастури халқаро нотижорат ташкилоти (The World Justice Project – WJP) томонидан 2006 йилдан буён ҳар йили эълон қилинадиган дунё мамлакатларида ҳуқуқ устуворлиги рейтингининг шакллантирилишида тегишли давлатларда суд ҳокимияти мустақиллигининг ҳолати муҳим баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади².

Жаҳонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш масалалари юзасидан қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суд ҳокимиятининг мустақиллиги концепцияси ва суд ҳокимияти мустақиллигининг аҳамияти, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ҳисобдорлигининг нисбати, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг механизмлари, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг қиёсий таҳлили масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда “Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш” муҳим вазифалар сифатида белгиланган³. Сўнгги беш йилда мазкур йўналишда бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Судьялар олий кенгаши ташкил қилиниб, унга конституциявий мақом берилди. Судьялик ваколат муддати судьялик лавозимида бўлишнинг илк маротаба беш йиллик, кейин ўн йиллик муддати ва шундан сўнг муддатсиз даврини ўрнатиш билан қайта кўриб чиқилди.

Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ривожланган давлатлар билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш бўйича илғор тажрибаларни татбиқ этиш имконини беради. Шунга асосан, тадқиқот учун Америка Қўшма Штатлари танлаб олинган. Зеро, суд ҳокимияти мустақиллиги доктринаси дунёда биринчи бўлиб Америка Қўшма Штатлари Конституциясига сингдирилган бўлиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги жамият ҳаётида кадриятга айланган. Америка Қўшма Штатлари ҳуқуқ устуворлиги индексида юқори рейтинга эга бўлган давлатлардан бири бўлиб келмоқда.

¹ Universal Declaration of Human Rights. [https://undocs.org/A/RES/217\(III\)](https://undocs.org/A/RES/217(III))

² WJP Rule of Law Index Factors. <https://worldjusticeproject.org/rule-of-law-index/factors>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни (2021), Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (2021), “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2017), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6034-сон (2020) ва “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–6127-сон (2020) фармонлари ҳамда тадқиқот мавзусига оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида тайёрланган бўлиб, диссертация “12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи” ихтисослигига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар қуйидаги бир қатор миллий ва хорижий олимлар ҳамда тажрибали амалиётчилар томонидан тадқиқ этилган¹.

Миллий олимлардан суд ҳокимияти мустақиллигига оид умумий масалалар А.Азизхўжаев, А.Саидов, З.Исломов, И.Беков, О.Ҳусанов, Р.Қаюмов, Р.Ҳақимов, С.Аббосхўжаев, У.Тажиханов, Ҳ.Одилқориев томонидан ўрганилган. Ушбу олимлар суд ҳокимияти мустақиллигига кўпроқ давлат ҳокимияти тақсимооти нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашганлар. Бироқ, уларнинг ишларида суд ҳокимияти мустақиллиги тушунчаси ва мазмун-моҳиятига доир масалалар батафсил очиб берилмаган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигига доир умумий назарий ва амалий масалалар А.Абдумажидов, А.Полвон-зода, А.Эгамбердиев, А.Хамраев, А.Ғофуров, Б.Жамолов, Б.Мирбобоев, Е.Никифорова, Ж.Абдурахмонхўжаев, З.Иноғомжонова, М.Ражабова, М.Рустамбаев, У.Мингбоев, Ф.Муҳиддинова, Ф.Муҳиддинов, Ш.Умарова, Ҳ.Бобоев каби олимлар ва тажрибали амалиётчилар томонидан ўрганилган.

Таъкидлаш жоизки, А.Хамраев докторлик диссертациясида суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашда судьяларга тавсия этиладиган ўнта қонидани ишлаб чиққан. Бунда, суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш билан боғлиқ масалалар судьяларнинг профессионал малакаси билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий онг нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Ш.Умарова томонидан химоя қилинган номзодлик диссертациясида эса суд ҳокимияти мустақиллиги масаласига

¹ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

демократик ҳуқуқий давлат қуришда суд ҳокимиятининг ўрни нуқтаи назаридан ёндашилган.

Ф.Муҳиддинова Ўзбекистонда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг тарихи, мақсадлари, ютуқлари ва истиқболларини тадқиқ этган бўлса, Б.Жамолов суд ҳокимияти ва суд ҳокимиятининг мустақиллиги концепцияларига доир масалаларни тадқиқ этган. Ж.Абдурахмонхўжаев томонидан олиб борилган ишларда судьялар корпусини шакллантиришда судьяларнинг мустақиллигига доир масалалар муҳокама этилган.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар хорижий олимлардан Геральд Розенбер, Жеймс Линдгрэн, Жеймс Мэлтон, Жон Фережон, Стивен Калабреззи, Линда Гринхаус, Луис Фуэнтес-Ровер, Лидиа Брашэр Тийд, Мартин Рэдиш, Майкл Гилберт, Памела Карлан, Питер Шейн, Саикришна Пракаш, Сэм Эрвин, Стивен Бурбенк, Томас Плэнк, Том Гинсбург, Вьет Динь ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Мазкур тадқиқот иши юқорида келтириб ўтилган олимларнинг ишларидан фарқли ўлароқ Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш масалаларини конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан қиёсий тадқиқ этишга бағишланган. Ишда илмий-назарий хулосалар ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда амалий тавсиялар илгари сурилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш асносида Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ илмий-назарий хулосалар ва қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тушунчаси ва унинг конституциявий-ҳуқуқий табиатини тадқиқ этиш ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги тушунчасига муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципини таъминлаш тенденциясини таҳлил этиш;

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигига нисбатан тўсиқлар ва уларнинг келиб чиқиш манбаларини қиёсий таҳлил этиш;

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд органлари тизимини суд ҳокимиятининг мустақиллигига таъсири нуқтаи назаридан қиёсий таҳлил этиш;

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг конституциявий асосларини қиёсий тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципини таъминлаш билан боғлиқ қонунчиликдаги муаммоларни Америка Қўшма Штатлари тажрибасини инобатга олган ҳолда тадқиқ этиш;

Америка Қўшма Штатлари тажрибаси асосида Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

Америка Қўшма Штатлари тажрибаси асосида Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллиги, судьяларнинг моддий-ижтимоий таъминоти ва дахлсизлигини кучайтиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципини таъминлаш билан боғлиқ муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципини таъминлашга доир ҳуқуқий масалалар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот предметига доир масалалар қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот олиб боришнинг куйидаги замонавий методларини алоҳида ёки аралаш шаклда қўллаш асосида тадқиқ этилган: 1) функционал қиёслаш (*“functional method”*); 2) структуравий қиёслаш (*“structural method”*); 3) таҳлилий қиёслаш (*“analytical method”*); 4) ҳуқуқни контекст таркибида қиёслаш (*“law-in-context method”*); 5) тарихий қиёслаш (*“historical method”*); 6) уйғунлаштириш методи (*“common-core method”*).

Қиёсий-ҳуқуқий методлар ҳуқуқий асосларни ўзаро қиёслашдан ташқари уларни ижтимоий ҳаётда қандай акс этишини ҳам тадқиқ этишни талаб этади. Шу боис, сифат методлари (*“qualitative research methods”*)дан аноним интервью ҳамда сўров натижалари таҳлили ҳамда миқдор методлари (*“quantative research methods”*)дан статистик маълумотлар таҳлили каби методлардан ҳам фойдаланилди.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигига доир реал вазиятни аниқлаш мақсадида жами 10 нафар, жумладан 5 нафар собиқ судьялар ва 5 нафар амалдаги судьялардан аноним интервью олинди.

Судьялар ва фуқаролар ўртасида алоҳида-алоҳида суд ҳокимиятининг мустақиллиги билан боғлиқ сўровлар ўтказилди. Сўровда 75 нафар судьялар ва 600 нафар фуқаролар иштирок этган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси унга ўта оғир жиноят ёхуд одамнинг ўлимига сабаб бўлган бошқа қасддан жиноят содир этганлик айби қўйилган ҳоллардагина қўллаш зарурлиги, шунингдек мазкур қоида Конституциявий суднинг Конституциявий суд судьяси сифатида ишлаган даврида шундай жиноятни содир этганликда айбланаётган собиқ судьясига нисбатан ҳам қўлланилиши зарурлиги асосланган;

ваколатлари муддати тугаган Конституциявий суд судьясининг янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёхуд бошқа иш тақдим этиш тўғрисидаги

масала ҳал бўлаётган даврда, бироқ уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолиниши зарурлиги асосланган;

айни бир шахс Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортиқ сайланиши мақсадга мувофиқ эмаслиги асосланган;

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари ёзма ариза берган тақдирда, Конституциявий суд томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Суд ҳокимиятининг структуравий мустақиллигини де-юре жиҳатдан тўлиқ таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасини биронта давлат ҳокимиятига тааллуқли бўлмаган давлат органларининг мавжудлигини инобатга олган ҳолда янги таҳрирда қабул қилиш зарурлиги асосланган;

Суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллигини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги декларатив нормалар етарли эмаслиги, бу борада Конституцияга махсус конституциявий нормалар – судьяларнинг ваколат муддати, судьяларнинг алмаштирилмаслиги, судьялар иш ҳақининг камайтирилмаслиги ва инфляция даражасига мутаносиб тарзда ошиб бориши, ўрта ва қуйи бўғин судьяларини тайинлаш билан боғлиқ энг муҳим муносабатларни тартибга солишга қаратилган қоидаларни киритиш зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси судларининг тузилмаси ва штат бирлигининг сони Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қонун қабул қилиш орқали тасдиқлаш зарурлиги асосланган;

ҳеч қайси давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари суд ҳокимиятининг функциялари ва судьяларнинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, суд ва судьяларга одил судлов билан боғлиқ бўлмаган вазифаларни юклашга ҳақли эмаслиги асосланган;

судьяларнинг дахлсизлиги уларнинг судьялик ваколоти муддати тугаганидан кейин ҳам амал қилиши, судьялик ваколоти тугаши муносабати билан истеъфога чиққан судья судьялик даврининг охириги йилида олган йиллик даромадидан кам бўлмаган йиллик пенсия олиши зарурлиги асосланган;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши том маънода судьялар ҳамжамияти органи сифатида шаклланиши учун унинг судьялар орасидан шакллантириладиган қисми республика судьялар конференциясида сайланиши, Кенгаш раиси Олий Мажлис Сенати томонидан Судьялар олий кенгаши тақдимида кўра сайланиши, Судьялар олий кенгаши таркибидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари чиқариб ташланиши, уларнинг ўрнига ҳуқуқшунос олимлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари киритиш зарурлиги асосланган;

суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини таъминлашга қаратилган янгича тизимни жорий этиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қиёсий тадқиқот олиб бориш бўйича илғор хорижий олимлар томонидан ўрганилган ва тавсия этилган

методлардан фойдаланилган. Назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар (<https://www.scholar.google.com>, <https://www.jstor.org>, <https://www.sciencedirect.com>, <https://www.proquest.com>, <https://heinonline.org>) ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётда жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистонда суд ҳокимияти ва суд ҳокимияти мустақиллиги билан боғлиқ илмий изланишлар олиб бориш, қонун ҳужжатларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда “Конституциявий ҳуқуқ”, “Қиёсий конституциявий ҳуқуқ”, “Конституциявий ҳуқуқнинг илмий-амалий муаммолари”, “Конституциявий одил судлов” фанларини ўқитиш ва илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ва амалий масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Конституциявий суднинг судьясига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси унга ўта оғир жиноят ёхуд одамнинг ўлимига сабаб бўлган бошқа қасддан жиноят содир этганлик айби қўйилган ҳоллардагина қўллаш зарурлиги, мазкур қоида Конституциявий суднинг Конституциявий суд судьяси сифатида ишлаган даврида шундай жиноятни содир этганликда айбланаётган собиқ судьясига нисбатан ҳам қўлланилиши мақсадга мувофиқлигига доир таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 14-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 26 майдаги 06/1-05/2798-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 17 майдаги 15-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф Конституциявий суднинг амалдаги ва собиқ судьяларининг дахлсизлиги ҳамда бу орқали уларнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилган;

ваколатлари муддати тугаган Конституциявий суд судьясининг янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёхуд бошқа иш тақдим этиш тўғрисидаги масала ҳал бўлаётган даврда, бироқ уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатда ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолиниши зарурлигига доир таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 17-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 26 майдаги 06/1-05/2798-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 17 майдаги 15-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф Конституциявий суд судьяларининг моддий-ижтимоий таъминоти ҳимоясини кучайтириш ҳамда бу орқали уларнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қилган;

айни бир шахс Конституциявий суд раиси ёки унинг ўринбосари этиб икки муддатдан ортиқ сайланиши мақсадга мувофиқ эмаслигига доир таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 18-моддаси иккинчи қисмини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 26 майдаги 06/1-05/2798-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 17 майдаги 15-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф Конституциявий суд судьяларининг ички мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ конституциявий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосари ёзма ариза берган тақдирда, Конституциявий суд томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши мақсадга мувофиқлигига доир таклиф “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 18-моддаси учинчи қисмини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 26 майдаги 06/1-05/2798-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2021 йил 17 майдаги 15-сон маълумотномалари). Ушбу таклиф Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарининг ташқи мустақиллигига доир конституциявий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий конференциялари, жами 4 та анжуманда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 8 та, конференция материаллари тўпламида 7 та илмий мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 8 та параграфни қамраб олган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигининг назарий асослари”** деб номланиб, унда суд ҳокимиятининг мустақиллиги тушунчаси ва конституциявий-ҳуқуқий табиати, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш тарихи ва тенденциялари, суд ҳокимияти мустақиллигига нисбатан тўсиқлар ва уларнинг келиб чиқиш манбалари таҳлил қилинган.

Диссертант ишни “суд ҳокимияти” тушунчасининг мазмун-моҳиятини таҳлил этишдан чекиниб, бевосита тадқиқот предметини ташкил этган “суд ҳокимиятининг мустақиллиги” тушунчасининг моҳиятини ёритишдан бошлаган. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тушунчаси тармоқ модели (“the network model”) ва эркинликнинг икки концепцияси (“two concepts of liberty”) назарияларига таянган ҳолда таҳлил қилинган. Тармоқ моделига кўра суд ва судьяларга буйруқ, ахборот ва ўзини ўзи ифодалаш сингари уч тоифадаги сигналларни юбориш уларнинг мустақиллигига дахл этади. Эркинликнинг икки концепциясига биноан суд ҳокимиятининг мустақиллиги икки компонентдан иборат. Биринчи компонент судлар ва судьяларнинг нималардан мустақиллиги, иккинчи компонент эса судлар ва судьялар нима қила олишда мустақил эканига ишора қилади. Судлар ва судьяларнинг нималардан мустақиллиги суд ҳокимиятининг негатив мустақиллигини англатса, суд ва судьяларнинг нималар қила олишда мустақиллиги суд ҳокимиятининг позитив мустақиллигини англатади.

Ишда ҳукуматга қарши суд қарорлари ёндашуви, институционал ёндашув, стратегик муносабат ёндашуви каби суд ҳокимиятининг мустақиллигига доир концепциялар ўрганилган. Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллиги ва унинг таснифи бўйича илмий изланишлар олиб борган олимларнинг (М.Рэдиш, Ч.Чех, Л.Зайдмэн, Г.Розенбер, Ж.Мэлтон, Т.Гинсбург, Л.Тийд, Ж.Фережон, М.Гилберт, М.Гур-Ари ва Р.Вилэр, Т.Плэнк) қарашлари таҳлил этилган. Тадқиқотчи суд ҳокимиятининг мустақиллиги миқдор ва сифат нуқтаи назаридан фарқланиши мумкинлиги (С.Бурбенк), шу боис инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари хавф остида қолиш эҳтимоли юқори бўлган ишларни кўриб чиқадиган судларга юқорироқ даражадаги мустақиллик кераклиги (Э.Рубин) ҳақидаги назарияни қўллаб-қувватлаган ҳолда конституциявий назоратни амалга оширувчи суднинг бошқа судлардан кам бўлмаган, керак бўлса, юқори даражадаги мустақилликка эга бўлиши зарур деган хулосага келган.

Шунингдек, диссертант миллий олимлар (Ғ.Абдумажидов, М.Рустамбоев, Е.Никифорова, Ҳ.Бобоев, Ф.Муҳиддинова, Б.Жамолов, А.Абдурахмонхўжаев) томонидан суд ҳокимиятининг мустақиллиги бўйича билдирилган фикрларни таҳлил этиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги тушунчасига муаллифлик таърифини илгари сурган. Суд ҳокимияти мустақиллигини структуравий ва индивидуал мустақилликка ажратган ҳолда уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ички таснифини келтирган. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таснифлашда суд ҳокимиятининг ҳам ички, ҳам ташқи мустақиллиги инобатга олинган.

Диссертант суд ҳокимиятининг мустақиллиги, энг аввало, суд ҳокимиятининг сиёсий босимларга қарамай қарорлар қабул қилишда мустақил эканини англатишини таъкидлаб, суд ҳокимияти мустақил бўлиши учун де-юре кафолатларнинг етарли эмаслиги, балки бунда де-факто шароитлар ҳам яратиб берилиши зарур деб ҳисоблаган.

Ишда суд ҳокимиятининг мустақиллиги доктринаси ҳокимиятлар бўлиниши ҳамда конституционализм билан боғлиқ ғоялар негизида шаклланигани қайд этилиб, суд ҳокимияти мустақиллиги доктринасининг Америка Қўшма Штатлари Конституциясига сингдирилиши билан боғлиқ жараёнлар Конституция муаллифларидан Александр Гамильтон, Жеймс Мэдисон ва Жон Жей сингари федералистлар томонидан илгари сурилган сиёсий-ҳуқуқий қарашлардан келиб чиқиб илмий жиҳатдан ёритиб берилган.

Диссертант суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашдан кўзланган мақсад борасида мулоҳаза юритган олимлар (М.Ражабова, А.Азизхўжаев, Х.Одилқориев С.Бурбенк, Д.Хатчинсон, С.Абрахамсон, Д.Пиментал)нинг фикрларини таҳлил этиб, бу борада ўзининг шахсий фикрларини илгари сурган. Унга кўра, гарчанд мустақилликнинг дастлабки йилларида олиб борилган суд-ҳуқуқ ислохотлари одамлар онгида шаклланиб қолган судлар жазоловчи орган деган муносабатни ўзгартиришга қаратилган бўлса-да, фуқаролар ўртасида ўтказган сўров натижалари шуни кўрсатадики, ҳали ҳануз 72,4 % фуқаролар судьялар мустақил эканига, 48,3 % фуқаролар судлар уларнинг поймол этилган ҳуқуқларини тиклаб бера оладиган орган эканига ишонмайди. Шундан келиб чиқиб, диссертант суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдан пировард мақсад одил судлов ва ҳуқуқ устуворлигига эришиш бўлиши кераклиги, шундай мақсадга интилиш ва унга эришиш йўлида амалга оширилган ислохотларгина халқнинг судларга бўлган ишончининг юксалишига олиб келиши мумкин деган хулосага келган.

Ишда Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислохотлар даврий нуқтаи назардан уч босқичга (1991-1999 йиллар, 2000-2015 йиллар, 2016 йилдан ҳозирги вақтга қадар) ажратилиб, суд ҳокимиятининг мустақиллигида рўй берган миқдорий ва сифат ўзгаришлари таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимиятининг мустақиллигига нисбатан хавфларни бир қатор олимлар (А.Карлтон, Т.Кларк, Ф.Марино, Ж.Волкер, Ж.Макинтаер, А.Хелмен, Н.Хэчт, Ф.Ларкин ва бошқалар) томонидан олиб борилган илмий изланишларга таянган ҳолда таҳлил этган. Таҳлил натижаларига биноан Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимиятининг

мустақиллигига нисбатан хавфлар кўпроқ Конгресс ва Президент томонидан, шунингдек, кўплаб штатларда популистлар таъсири остида жорий этилган, бироқ ўзини оқламаган судьяларнинг халқ томонидан сайланиши ҳамда суд қарорларига нисбатан оммавий танқидлар натижасида келиб чиқиши қайд этилган.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигига нисбатан тўсиқлар сиёсий органларнинг суд тизимига ҳамда юқори суд органларининг қуйи судларга судларнинг функционал вазифасига дахлдор бўлмаган кўрсатмаларни бериш ҳамда ижро ҳокимияти ва прокуратура органларининг таъсиридан келиб чиқаётгани баён этилган.

Ўзбекистонда судьялар ўртасида ўтказилган сўров натижалари 2016 йилга қадар судьяларга асосан миллий хавфсизлик ва прокуратура органлари босим ўтказиб келганини кўрсатган. Шунингдек, ҳозирда ҳам 60 % судьялар фаолиятида уларнинг мустақиллигини поймол этишга уриниш ҳолатлари кузатилади, 36 % судьяларга охириги 4 йилда мустақил қарор қабул қилишга таъсир кўрсатувчи юқоридан “телефон қўнғироқлари” бўлгани аниқланган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, 41,3 % судьяларнинг фикрича, ҳам ички (судьяларга суд раислари, юқори турувчи судларнинг босими, таъсири), ҳам ташқи (бошқа давлат ҳокимият органлари ва мансабдор шахслари, фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ва блогерларнинг босими, таъсири) хавфлар остида қолмоқда.

Диссертант юқоридаги тадқиқот натижаларига доир рақамлардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарур деган хулосага келган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари”** деб номланган иккинчи бобида суд ҳокимияти органлари тизимининг конституциявий асослари, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг конституциявий асослари, суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципини таъминлаш масалалари тадқиқ этилган.

Тадқиқотчи суд ҳокимияти органларининг тизими суд ҳокимияти мустақиллиги билан шакл ва мазмун жиҳатдан боғлиқ экани, суд тизими суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принципига путур етказмайдиган тарзда ташкил этилиши керак деган фикрни илгари сурган. Америка Қўшма Штатларининг суд тизимига доир конституциявий нормалар ва амалдаги суд ҳокимияти органлари тизимини таҳлил этган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 106-моддасини таҳлил этиб, Ўзбекистонда суд тизими динамик ривожланишда экани, шу боис Конституцияда фақатгина олий суд органларининг мақомини мустақамлаш мақсадга мувофиқ деган хулосага келган.

Америка Қўшма Штатларининг тажрибасини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда муайян маъмурий ҳудудий бирликларда судларни улардаги судьялар штатлари билан бирга ташкил этишда сиёсий органлар, шу жумладан, ижро ҳокимияти

органларининг таъсирини камайтириш мақсадида судларни фақат қонун қабул қилиш орқали тузиш мақсадга мувофиқ эканини асослаб берган.

Диссертант бир судда битта ишни турли инстанцияларда кўриб чиқувчи судьялар бир-биридан психологик жиҳатдан мустақил бўла олмаслиги сабабли, суд инстанцияларини тўлиқ “*res judicata*” принципи, яъни “бир суд – бир инстанция” тамойили асосида ташкил этилиши лозим деб ҳисоблаб, кассация тартибида кўриб чиқилган ишларни қайта кассация тартибида кўриб чиқиш мумкинлигига доир тартибни бекор қилишни жоиз деб топган. Бундан ташқари, диссертант судьялар томонидан кўриб чиқиладиган ишларнинг ҳажми уларга руҳий босим бериш орқали уларнинг мустақиллигига дахл этиши мумкинлиги, аҳолининг ўсиб бориши, одил судловга бўлаётган талаб ва судларга бўлаётган мурожаатнинг реал ҳолатидан келиб чиқиб судьялар штати сонини танқидий кўриб чиқиш зарурлигини асослаб берган.

Тадқиқотчининг қайд этишича, сўнгги 25 йил давомида жаҳон мамлакатларининг конституцияларида суд ҳокимиятини ташқи таъсирлардан ҳоли қилишга қаратилган нормалар ортиб борди. Жаҳон мамлакатлари конституцияларининг 77 фоизи суд ҳокимияти мустақил ҳокимият тармоғи эканини баён этувчи декларатив нормага эга. Бугунги кунда жаҳон мамлакатлари конституцияларининг 2/3 қисмида суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган махсус нормалар мавжуд. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари Конституциясида суд ҳокимиятининг мустақиллиги судьяларни лавозимга тайинлаш тартиби, судьялик ваколат муддати, судьяларга камайтирилиши мумкин бўлмаган иш ҳақи тўлаш, судьяларни фақат импичмент орқали лавозимидан озод этиш мумкинлигига доир қоидалар мавжуд.

Шунга асосан, диссертант Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд ҳокимиятининг структуравий мустақиллиги билан боғлиқ 106-моддасини давлат ҳокимиятининг ҳеч қайси тармоғига мансуб бўлмаган давлат ҳокимияти органлари мавжуд эканини ҳисобга олиб янги таҳрирда қабул қилиш лозим эканини, 112-моддада назарда тутилган суд ҳокимиятининг индивидуал мустақиллигига доир махсус чораларга қўшимча тарзда судьяларни тўғридан-тўғридан муддатсиз даврга сайлаш ва тайинлаш, судьяларнинг алмаштирилмаслиги, судьяларни лавозимидан озод этишнинг асосларини мустаҳкамлаш лозим эканини асослаб берган.

Америка Қўшма Штатларида судьяларнинг умрбод муддатга тайинланиши билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилиб, Ўзбекистон шароитида судьяларни муддатсиз даврга – 65 ёшгача сайлаш ва тайинлаш мақсадга мувофиқ экани, Америка Қўшма Штатларида судьялар сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкинлиги суд ҳокимиятининг сиёсийлашиб кетишига олиб келган омиллардан бири экани инobatга олиниб, Ўзбекистонда судьяларнинг сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмаслигига доир конституциявий норманинг ўрнатилгани тўғри танлов бўлган деган хулосага келинган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципини таъминлашда амалдаги суд ҳокимиятининг ҳисобдорлигини таъминлаш тизими – суд раисларининг тегишли маҳаллий вакиллик органларига ахборот беришини бекор қилиш, судьяларга қонунларни шарҳлаш ваколатини бериш, судьяларга малака

даражаларини бериш, қайта судьялик лавозимига сайланиш ёки тайинланиш, шунингдек навбатдаги судьялик муддатига сайланиш ёки тайинланиш тизимини суд раисларига боғлиқ бўлмаган ҳолатга келтириш зарурлиги таъкидланган.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш истиқболлари” деб номланган учинчи бобида суд ҳокимияти мустақиллиги конституциявий принцинга риоя этилишини таъминлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллиги, судьяларнинг моддий ва ижтимоий таъминоти ҳамда дахлсизлигини кучайтириш масалалари муҳокама этилган.

Диссертант Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши фаолиятининг мустақиллиги муҳим роль ўйнайди деган фикрни илгари сурган. Конституцияда Судьялар олий кенгаши судьялар ҳамжамияти органи экани кўрсатилган бўлса-да, уни шакллантиришнинг амалдаги тартиби бунга мос эмаслиги асослаб берилган. Судьялар олий кенгашини халқаро стандартларга жавоб берадиган, яъни сиёсий органларнинг таъсиридан ҳоли тарзда шакллантириш, унинг фаолияти очиқлигини таъминлаш билан боғлиқ шахсий фикрлар илгари сурилган.

Шунингдек, тадқиқотчи Ўзбекистонда судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизмлари ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллигини одил судлов йўли билан ҳимоя қилиш имкониятларини Америка Қўшма Штатларининг тизими билан қиёсий таҳлил этиб, Ўзбекистонда судьяларга қўлланиладиган интизомий жазоларни либераллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига давлат ҳокимияти органлари ўртасида конституциявий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ваколатини бериш мақсадга мувофиқ эканини асослаб берган.

Суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллиги борасида суд ҳокимияти учун бюджет маблағларини ажратишнинг амалдаги тизимини ислоҳ этишга қаратилган таклифлар билдирилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига судьялар иш ҳақининг камайтирилмаслиги ва инфляцияга мутаносиб тарзда ошириб борилиши билан боғлиқ норма киритиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган. Судьяларнинг дахлсизлиги ва хавфсизлигини кучайтириш билан боғлиқ таклифлар илгари сурилган.

ХУЛОСА

“Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатларида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш масалалари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил” мавзусидаги диссертация доирасида олиб борилган изланишлар натижалари куйидаги илмий-назарий хулосалар, қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар ҳамда амалий тавсияларни илгари суришга хизмат қилди.

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Қуйидаги тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги – бу суд ҳокимияти тармоғи, суд ва судьяларга ички ва ташқи босим, аралашув ва таъсирларга берилмай функционал вазифаларни қонунга мувофиқ амалга оширишларига имконият бериш

мақсадида конституция билан кафолатланган эркинлик ва унинг амалий ифодаси.

Босим деганда судлар ва судьяларнинг муайян қарорлар қабул қилишга мажбур этадиган ҳолатга тушириб қўйишга қаратилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Аралашув деганда суд ва судьяларга юклатилган функционал вазифаларни амалга оширишларига бевосита ёки билвосита ҳалақит ёхуд тўсқинлик қилиш тушунилади.

Таъсир деганда судьяларнинг қарорлар қабул қилишда ички ишончини шубҳага қўядиган ҳолатга олиб келувчи воситалардан фойдаланишдир.

2. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, энг аввало, суд ҳокимиятининг сиёсий босимлардан мустақил эканини англатади. Жаҳон мамлакатларининг деярли барчасида, хусусан, Америка Қўшма Штатларида ҳам суд ҳокимиятининг мустақиллиги кўпчилик ҳолларда давлат ҳокимиятининг сиёсий тармоқлари ва мансабдор шахслари томонидан поймол этилади. Суд ҳокимияти сиёсий босимларга бардош бериб, сиёсий қарорларни конституцияга ҳилоф деб топа олиши ёки уларни қўлламаслик орқали мамлакатда ҳуқуқ устуворлигини таъминлай олишда реал имкониятга эга бўлсагина, уни мустақил деб ҳисоблаш мумкин.

3. Қуйидагилар суд ҳокимиятининг мустақиллигига бевосита таъсир кўрсатадиган бирламчи омиллар ҳисобланади: 1) судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби; 2) судьяларнинг ваколат муддати; 3) судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш ва лавозимдан озод этиш тартиби; 4) судьяларнинг ойлик иш ҳақи; 5) судьяларнинг алмаштирилмаслиги; 6) судьяларнинг дахлсизлиги; 7) ҳокимиятлар бўлиниши принципи, суд ҳокимиятининг ўз-ўзини бошқаришда иштирок эта олиши ва бюджет масалаларини ҳал эта олиши.

4. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги судлар ва судьяларнинг ҳисобдорлигини инкор этмайди. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги судлар ва судьяларни турли босим, аралашув ва таъсирлардан ҳоли қарорлар қабул қилиш имкониятини яратиб берса, суд ҳокимиятининг ҳисобдорлиги суд ва судьяларнинг ваколатларни суиистеъмол қилишларини олдини олишга хизмат қилади. Суд ҳокимиятининг ҳисобдорлигини кучайтиришга қаратилган, бироқ мақсадга мувофиқ бўлмаган ёхуд ортиқча чораларнинг ўрнатилиши суд ҳокимиятининг мустақиллигига путур етказди. Бу суд ҳокимияти мустақиллиги ва суд ҳокимияти ҳисобдорлигининг мувозанатда бўлиши зарурлигини кўрсатади.

